



## ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИНИ ИННОВАЦИОН ҲИТИШ АСОСИДА ҲУВЧИЛАРДА ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО ТУШУНЧАЛАРИГА ОИД БИЛИМЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Умаров Хусанбой Рустамович

Андижон давлат университети таянч докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7583365>

### ARTICLE INFO

Received: 18<sup>th</sup> January 2023

Accepted: 29<sup>th</sup> January 2023

Online: 30<sup>th</sup> January 2023

### KEY WORDS

Жиноят, жазо,  
ҳуқуқбузарлик, инновация,  
ҳуқуқ, таълими, ҳуқуқий  
тарбия, ўқувчи, креатив.

### ABSTRACT

*Ушбу мақола бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган жиноят ва жазо масалаларига бағишланган бўлиб, мақолада ҳуқуқ таълимини инновацион ҳитиш асосида ҳувчиларда жиноят ва жазо тушунчаларига оид билимларини ривожлантириш усуллари ҳақида фикр юритилган.*

**Кириш:** Жамиятимиз ва давлатимиз олдида турган долзарб вазифалардан бири инсон тўғрисида ғамхўрлик қилиш, ёш авлодни етук шахс, замонамиз талабларига жавоб берадиган, билимдон, юксак маънавиятли, эътиқоди мустаҳкам, иродаси кучли, халқ, Ватан учун жон кўйдирадиган комил инсонқилиб тарбиялаш ва вояга етказишдир.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари: таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлиги; таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллиги; умумий ўрта, шунингдек ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги; ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари: академик лицей ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги; таълим тизимининг дунёвий характерда эканлиги; давлат таълим стандартлари доираси таълим олишнинг ҳамма учун очиқлиги; таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалштирилган ёндашув; билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантириш; таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш деб белгиланди. Давлат сиёсатининг ушбу тамойиллари барча таълим турлари орқали шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришга хизмат қилади<sup>1</sup>.

Креатив фикрлайдиган, замон билан ҳамнафас ва ҳамқадам кадрларга эҳтиёж ҳамиша мавжуд. Улар жамият равнақи учун доимий муҳим. Ана шу “муҳим”ликнинг ўзаги бевосита таълимга бориб тақалади. Сифатли таълим эса ўз-ўзидан сифатли, мукамал дарсликларни тақозо этади.

2019 йилнинг 23 августида давлатимиз раҳбари халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган йиғилишда мактаб

<sup>1</sup> Тўйчиева Х. Шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришда ҳуқуқий таълимнинг ўрни ва унинг илмий-амалий муаммолари. Номзодлик диссертацияси. — Тошкент. 2009 й. 160 б.



таълими соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини янгилаш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Натижада Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуққа оид фанлар бўйича мактаб дарсликлари замонавий таълимга қўйилаётган талаблар асосида ўрганилди. Бунда дарсликларнинг ҳуқуқий билим ва тушунчаларни қамраб олганлик даражаси, мазмун-моҳияти ҳамда мақсадга мувофиқлиги таҳлил этилди.


**Адабиётлар таҳлили ва методлар:** Таҳлиллар натижасида 8-синфлар учун мўлжалланган “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари”, 9-синф учун “Конституциявий ҳуқуқ асослари”, 10 ва 11-синфлар учун “Давлат ва ҳуқуқ асослари” дарсликлари ҳатто олий ўқув юртлари талабалари тушунмайдиган даражада мураккаб ёзилганлиги, қолаверса, уларда эски маълумотлар келтирилганлиги, ўқувчиларга берилган топшириқларда айрим мантиқий хатолар мавжудлиги аниқланди. Бу ҳақда Адлия вазири Сенатнинг XVIII ялпи мажлисида 2018 йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахборотида<sup>2</sup> ҳам таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, камчиликларни бартараф этиб қайта нашр қилиш юзасидан Адлия вазирлиги Халқ таълими вазирлигига таклифлар киритган.

Бунинг натижасида 8-синфлар учун “Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари”, 9-синф учун “Конституциявий ҳуқуқ асослари” янги авлод дарсликлари нашр қилиниб, бошланаётган ўқув йилидан эътиборан ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларни ушбу дарсликлардан ўзлаштиради. Улар дизайн жиҳатдан ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилган. Янги авлод дарсликлар янги қабул қилинган қонунлар ва ҳуқуққа доир маълумотлар, қонунчиликдаги вояга етмаганларнинг жавобгарлигидаги ўзгаришлар, шахс ва жамият муносабатлари ҳамда шахснинг жамиятдаги ўрни каби мавзулар билан бойитилган.

Дархақиқат, ҳуқуқий таълим ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришни, амалий кўникмалар ва малакалар шаклланишини назарда тутаяди. Бу эса ёшларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етиштиришлари учун замин тайёрлайди. Ҳуқуқий таълим нафақат билим бериш, балки ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, интизомни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш каби вазифаларни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ҳуқуқий таълим жараёни—ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муносабат, билим бериш, билим олиш, ўргатиш—ўрганиш майлида кечадиган муносабатлар тизимидир.

<sup>2</sup><https://m.kun.uz/news/2019/03/01/huquqiy-fanlar-boyicha-yangi-darsliklar-chop-etiladi-ruslanbek-davletov>



**Тадқиқот методологияси:** Ҳуқуқий таълим ўқитувчи билан ўқувчининг биргаликдаги фаолияти сифатида ўзаро боғлиқ икки жараёнга—ўқитувчи фаолияти сифатида билим беришга ва ўқувчининг фаолияти сифатида билим олишга ажралади. Билим берувчи жамият манфаатларини ифода этгани ҳолда барча ўқув муассасаларида таълим беришнинг конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратади. Ҳуқуқий билим берувчи:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлигидан келиб чиққан ҳолда билим оловчи билан муносабатлар оқимини инсоний фазилатлар: ўзаро ҳурмат, иззат-икром, ва ҳ.к. руҳида амалга оширишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди;
- ҳуқуқий таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлайди;
- ҳуқуқий таълим тизимининг дунёвий характерда эканлигини ҳам эътибордан четда қолдирмайди;
- ҳуқуқий билимли бўлишни ва истеъдодни рағбатлантиради<sup>3</sup>.

Ҳуқуқий таълим жараёнида билим оловчилар инсоният ижтимоий –тарихий тажрибасининг муайян жиҳатларини –мафкура, сиёсат, фан ва ҳуқуқий маданиятни ўзлаштиради. Ҳуқуқий таълим жараёнида ёшлар ҳуқуқий тарбияланиб, уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик фидоийлик фазилатлари ҳамда ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик кайфияти шаклланади.

Ҳуқуқий тарбия эса ўқувчиларда мавжуд бўлган ҳуқуқий билимлар асосида фаолиятни ташкил эта олиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган жараён бўлиб, унда ўқувчиларнинг ҳуқуқ фани асосларига оид билимларини мустаҳкамлаш учун шароит яратилади, уларни кундалик фаолиятда қўллаш кўникмаси шакллантирилади. Шунингдек, ўқувчиларнинг ижтимоий – ҳуқуқий фаолликларини ҳосил қилишга эришилади.

Ҳуқуқий давлат қуриш учун эса шу давлат пойдеворини яратувчилар, яъни ёш авлод ҳуқуқий жиҳатдан билимли, тарбияли бўлишлари керак. Қонунларни биладиган, уларга роия этадиган, давлат ва жамият манфаатларини ўз манфаатларидан юқори қўйиб, уларни бажаришда юксак савияга эга бўлган шахсларни тарбиялаш ҳуқуқий тарбия фанининг асосий мақсадини ташкил этади.

Янги Ўзбекистоннинг ривозланиш стратегиясида қонунчиликка роия қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онглилик даражасини юксалтириш, қонунларни ҳурмат

<sup>3</sup>Тўйчиева Х.Шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришда ҳуқуқий таълимнинг ўрни ва унинг илмий-амалий муаммолари.Номзодлик диссертацияси.—Тошкент.2009 й.69 б



қилиш ва уларга бўйсунуш, ахлоқ-одоб қоидаларига роия этиш каби хислатларни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Ўқувчиларда жиноят ва жазо тушунчаларига доир билим ва кўникмалрни шакллантиришда ҳуқуқ таълимнинг ўрни юқори ҳисобланади. Ҳуқуқий таълим-тарбия умумий тарбиянинг ажралмас қисми бўлиб, инсонни жамиятда ўрнатилган қонун-қоидаларга роия этиш, уларни ҳурмат қилишга чорлайди. Ҳуқуқий таълим ва тарбия ўқитишдан кўзланган мақсад ҳам шундаки, ёш авлодни ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ривожлантириш ҳамда қонунийлик, қонунга итоаткорлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш асосий мақсад қилиб белгиланган.

Шунингдек, жиноят ва жазо тушунчаалри ўқувчининг ҳуқуқвий онги ва ҳуқуқий маданиятлигига боғлиқ бўлади. Ҳуқуқий таълимнинг асосий мақсади ўқувчиларда ҳуқуқий онгни шакллантириш, яни ҳуқуқий нормаларга ҳурматни, уларга ихтиёр, онгли равишда роия қилишни тарбиялашдир. Ҳуқуқий таълим-тарбия шахснинг болалик чоғидан етуклик давригача ўтказиладиган тарбиявий жараённиўз ичига олади. Демак ҳуқуқий таълим- тарбия босқичма-босқич берилади. Босқичли ҳуқуқий таълим-тарбия беришдан мақсад ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимлар ва кўникмаларини таркиб топтиришни узлуксиз таъминлашдир.

Масалан, биринчи синфларда она тили тушунчаси, тилга ҳурмат билан қараш, ўқувчиларга қонун-қоидаларни ўргатиш, мулкни асраш, унга муносабатни билдириш, давлат, қонун, давлат рамзлари тушунчаларини ўргатиш лозим.

Иккинчи синфларда «ўқиш» дарсида ҳар хил тарбия бериш мумкин. Шу дарснинг «мактаб» бўлимида муносабатларни тушунтириш. «Эртаклар ва масаллар» бўлимида жиноят тушунчасини, тулкини турна болаларини еб қўйишда, мисол қилиб бу жиноят эканлигини ва турна тулкини қилмишига яраша жазолаганини тушунтирилади. Шундай тарбия ва ҳуқуқий билимлар ҳар бир фанда синфма-синф олиб борилади.

Юқори синфларда унинг ҳуқуқий онгини шакллантирувчи ҳуқуқий тушунчалар берилади, у дастурлар асосида ҳуқуқий муносабатларга ўргатилади. Юқори синфларда ҳамма бошқа таълим тизимларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг давлат аппарати ҳақида умумий тасаввур бериш ҳуқуқий таълим- тарбиянинг аниқ мақсади қилиб қўйилади.

**Таҳлил ва натижалар:** Ўқувчиларда жиноят ва жазо тушунчаалрига доир билим ва кўникмаларини ривожлантиришда ҳуқуқий таълим-тарбия шакллари қуйидагича бўлиши мумкин:

- а) ҳуқуқий билим;
- б) ҳуқуқий ташвиқот;
- в) жамоатчилик томонидан олиб бориладиган ишлар;
- г) ҳуқуқни ҳимоя қиладиган давлат органларининг ишлари билан танишиш (тергов, суд жараёнларида қатнашиш) ва уларда иштирок этиш. Ҳуқуқий таълим-тарбияни жамоа ўртасида ёки индивидуал шаклда амалга ошириш мумкин.

Ўқувчиларда ҳуқуқ таълими асосида жиноят ва жазо процессига доир дунёқарашини шакллантиришда ва ҳуқуқий билимга ва ҳуқуқий тарбияга жалб этишда ҳуқуқни ҳимоя қилувчи давлат органлари ходимлари билан учрашув



ўтказилиши, савол-жавоб кечалари ташкил этилиши ёки ҳуқуқшунос уюшмалари тўзилиши ижобий натижа беради. Индивидуал якка тарзда ҳуқуқий билим беришда, ҳуқуқий тарбиялашда шахсга махсус адабиётларда тавсия этилиши, унда қизиқиш уйғотиш, тарбияланувчининг рухий ҳолатини ўрганиб, у қабул қила оладиган, тушуна биладиган тарзда суҳбат олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Бошланғич таълимда боланинг ёш хусусияти эътиборга олинган ҳолда жиноят ва жазо тушунчаалри сингдирилади. Хар бир синфда 10 соатдан вақт ажратилиб, ўқитувчи «Она тили», «Атрофимиздаги олам», «Одобнома», «Ўқиш», «Табиатшунослик» дарсларида ўтиладиган мавзулар билан боғлаб ҳуқуқий тушунчалар бериб боради. Масалан, «Она тили» дарсида «Ўқувчи кун тартиби» мавзусида қоида тушунчаси, ўқувчилар қоидаси тушунтирилади. Ҳуқуқий нуқтаи назардан қоида нима сабабдан ўрнатилади, унга бўйсунуш мажбурият, бурчлиги ўргатилади. Бола илк ҳуқуқий терминларнинг маъносини англай бошлайди. Бешинчи сифдан бошлаб еттинчи синфгача ҳар бир синфда 17 соатдан дарс соати ажратилиб, боланинг қабул қилиш лаёқати, ёши, фанларнинг мураккабланиб бориши ҳисобга олинган ҳолда, ҳуқуқий билим ҳам чуқурроқ ўргатилади. Масалан, бу синфлардаги ўқувчилар: ҳуқуқ тушунчасини; инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолати асосларини; мустақиллик, давлат рамзлари тушунчасини; мулк ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар асосларини; инсон ҳуқуқи, бола ҳуқуқи; қонун ва ўсмир; ҳуқуқбузарлик тушунчаларини ва бошқа ҳуқуқий билимларни ўрганади

8-9 синфларда махсус «Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи асослари» дарси ўтилади. Унда ҳуқуқшуносликдан Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи билан боғлиқ билим олиниб, 9-синфда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўрганилади.

Юқори синфларда жиноят ва жазо тушунчаларига доир ҳуқуқий маълумотлар берилганда ҳар бир мавзу бўйича ўқитувчи дарслик, ўқув қўлланмалардан ташқари қўшимча ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиб, маъруза матнини янгиликлар билан тўлдириб бориши лозим. Махсус дастурга биноан 5-7 синфларда 17 соатдан, 8-9 синфларда 34 соатдан бир ўқув йилига дарс ажратилиб, ҳафтасига бир соат дарс ўтилади.

Таълим тизимида ўқувчи ёшларни жиноят ва жазо тушунчаларига доир ҳуқуқий тарбиялаш элементлари Таълим тўғрисидаги қонунда кўрсатиб ўтилган. Қонунда ҳар бир таълим бўғинига ҳуқуқий тарбиянинг аниқ вазифаси юклатилган. Масалан, тарбия муассасалари оила билан ҳамкорликда болаларни уюшқоқликка ва интизомга ўргатадилар. Умумий ўрта таълим махсус касб ҳунар – ҳунар таълими ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини ахлоқий тарбия билан қўшиб олиб борилади. Шубҳасиз, таълим тизимида ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси педагогик асосларда олиб борилади. Мактаб, ўрта махсус касб-ҳунар таълими олий ўқув юртларида педагогик принциплар ягона. Таълим тўғрисида қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида янги йўналишлар стандарт, концепсиялар ишлаб чиқилган. Таълимнинг узлуксизлигини, давлат ва жамиятнинг фаолияти, Фан, ишлаб чиқаришнинг фаолиятлари юқори ҳужжатларда ўз ўрнини эгаллаган.

Мактаблардаги ҳуқуқий таълим-тарбиянинг педагогик асосларида жамоа ўз ҳуқуқий педагогик функциясига қараб, мактаб жамоасидан иборат икки гуруҳга



бўлиниши билан меҳнат жамоаларидан ажралиб туради.

Мактаб жамоасида ўқувчиларни жиноятга жазонинг муқаррарлигига оид ҳуқуқий тарбиялашда ёш хусусияти алоҳида ўрин тутди. Қуйи синфларда болалар кетма-кет такрорланувчи қисқа ишларни тез ўзлаштирадидилар. Улар бу ёшда итоаткор бўладилар оила ҳаётида мактабда кўчада учраб турадиган қоидаларни осон ўрганадилар. Масалан катталар билан муомала одоби озик-овқат асбоб ускуналарни тежаш нонни эъзозлаш ва ҳақозо. Қуйи синфларда ахлоқий-ҳуқуқий тарбия самарали бўлса ўқувчилар юқори синфларга ўтганда уларга мураккаброқ ҳуқуқий нормаларни ўргатиш осонроқ келади.

**Хулоса:** Мактабларда ўсмирларнинг ҳуқуқий тарбиясига алоҳида эътибор бермоқ керак. Бу ёшда болалар ўзларини катталардек хис қиладилар катталарга тақлид қила бошлайдилар лекин уларда болалик хусусияти ҳали анча сақланиб туради. Уларга кўпроқ тартибга алоқадор қонун-қоидаларни мулкка нисбатан тежамкорликни ўргатиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқори синф ўқувчилари ёшлар айрим ҳуқуқий муносабатлар бўйича муомала қобилиятига эга бўла борадилар. Улар билан яқка тарзда иш олиб бориш уларга қонунларни мустақил ўрганишни ҳаётда қўлай билишни ўргатиш бунда айниқса фуқаролик, меҳнат, оила ва табиатни муҳофаза қилиш қонунларига кўпроқ эътибор бериш тавсия этилади. Ёшлар жамоат тартибини сақлашда иштирок этишга ўргатилишлари зарур.

### References:

1. Тўйчиева Х.Шахс ҳуқуқий онгини шакллантиришда ҳуқуқий таълимнинг ўрни ва унинг илмий-амалий муаммолари. Номзодлик диссертацияси.—Тошкент.2009 й. 69, 160 б.
2. [https://m.kun.uz/news/2019/03/01/huquqiy-fanlar-boyicha-yangi-darsliklar chop-etiladi-ruslanbek-davletov](https://m.kun.uz/news/2019/03/01/huquqiy-fanlar-boyicha-yangi-darsliklar-chop-etiladi-ruslanbek-davletov)